

ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА СТАТИСТИК КУЗАТУВЛАРНИНГ ТУТГАН ҮРНИ

Абдусаломова Истора Илхом қизи

Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти таянч
докторанти

E-mail: i.abdusalomova@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақола Ўзбекистон Республикасида Давлат статистика ишларини самарали ташкил қилишда статистик кузатувларнинг үрни, статистик кузатувларни ўтказишда замонавий усуллардан фойдаланиш, таҳлил қилиш масалаларига бағишиланган ҳамда статистик кузатувларни ўтказиш жараёнлари атрофлича таҳлил қилинганди.

Калим сўзлар: давлат статистикаси, статистик кузатув, статистик ҳисобот, статистик кўрсаткичлар, очиқ маълумотлар.

Кириш

Маълумки, мамлакат миллий иқтисодиётини самарали бошқариш тизимида давлат статистикаси мұхим ўринни әгаллайди. У жамиятда бўлаётган оммавий ходисаларни ўрганади, улар ўртасидаги мураккаб бўлган ўзаро боғланишларни аниқлайди ва мамлакатнинг иқтисодиётiga илмий асосланган баҳоларни бериб боради.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари қатори статистика соҳаси ҳам тубдан ислоҳ қилиниб, унга халқаро стандартлар ва илғор жаҳон тажрибаси кенг тадбиқ этилмоқда. Натижада, бундай ислоҳотлар замирида статистика идоралари мамлакатимизнинг мұхим макроиқтисодий кўрсаткичларини замонавий усулларда аниқлик, шаффоғлиқ ва ошкоралик тамойиллари асосида шакллантириши кўзда тутилган.

Давлат статистика органлари фаолиятини таҳлил қиласар эканмиз, амин бўлдиқки, яқин вақтларгача улар иқтисодиётни бошқаришнинг режалимаъмурий тизими шароитида фаолият кўрсатиб, асосан директив режаларни бажаришган ва тезкор назоратни амалга оширишган, бу эса статистик ахборотларнинг ҳажми, таркиби ва сифатига жиддий таъсир қилган. Статистик ҳисботлар шакллари ва улардаги кўрсаткичлар сони узлуксиз ортиб бориши статистик кузатувларни ташкил қилишда экстенсив усуллар кучайишига олиб келиб, бошқа фойдаланувчилар манфаатлари эътиборга олинмаган. Шу сабабли ҳам бугунги кунда давлат статистика ишларини ташкил қилишда статистик кузатувларни амалга ошириш, улар асосида олинган маълумотларни замонавий усуллар орқали таҳлил қилиш ва тақдим этиш мұхим вазифалардан бири ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий таҳлил математик статистика усуллари ва динамика қаторларидан кенг фойдаланишга асосланади. Статистик масалаларни ушбу усуллар билан ечишда АҚТдан кенг фойдаланилади. Унда амалий дастурлар пакетлари мұхим ўрин тутиб, одатда, улар бир ёки бир нечта таҳлил усулларини ечишга йўналтирилган бўлади.

Давлат статистикаси фаолиятининг натижалари мамлакатда статистик ахборот тизимларини яратиш учун маълумотлар базаси бўлиб хизмат қиласди. Давлат статистика идоралари ўз фаолиятини Ўзбекистонда ҳисоб статистика тизимларида миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг давлат томонидан бошқаришнинг муҳим таянчи эканлигига риоя қилган ҳолда амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси бошқарув идоралари учун миллий иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари ҳамда уларга қарашли корхона ва ташкилотлар фаолияти ҳақидаги барча зарур статистик ахборотларни йиғган ҳолда, уларга нисбатан тескари алоқа вазифасини ҳам бажаради.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда кузатилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар нафақат статистик маълумотларнинг мазмунига, балки уни тўплаш шаклларига ҳам янги талабларни қўймоқда. Бугунги кунга қадар инфляция жараёнларини ҳисоблаш учун товар ва хизматларнинг нархлари фақат қоғоз шаклдаги бланкалар ёрдамида ўрганилганлиги сабабли, кузатувларни ўтказиш жараёнлари узоқ муддат, кўп иш кучи ва қоғоз сарфини талаб этар эди. Яъни, кузатувчилар савдо нуқталарига бориб нархни ўрганиб маҳсус қоғозлардаги шаклларни тўлдиран ва кунлик йиғилган маълумотларни туман статистика бўлимидағи компьютерга киритиб, уни марказий аппаратнинг серверига юборар эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4699-сон қарорида Давлат статистика қўмитасига статистик маълумотларни қайта ишлаш жараёнида маълумотлар базасини бошқаришнинг замонавий тизимларини жорий қилиш, корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри платформасини такомиллаштириш ҳамда қўмитанинг расмий веб-сайтини модернизация қилиш каби вазифалар юкландиганлиги олдимизда рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат соҳасида янги йўналишлар ва замонавий технологияларни чўкур ўрганиш орқали уларни статистика фаолиятига жорий этишдек ўта муҳим ишлар турганлигидан далолатдир.

Мазкур вазифалар бўйича Давлат статистика қўмитаси ўз олдига ахборот-коммуникация технологиялари бўйича қуйидаги истиқболи режаларни белгилаб олган:

1. Амалётга янги электрон хизмат кўрсатиш турларини жорий этиб бориш.
2. Бизнес регистрни амалда жорий этиш.
3. Барча турдаги танланма кузатувларни маҳсус қурилмалар (планшетлар) ёрдамида ўтказиши жорий этиш.
4. Статистик кузатувларни ташкил этишда илғор замонавий тажрибаларни, жумладан, амалиётда космик тасвирлар, картографик чизмалар ва дронлар кузатувидан кенг фойдаланиши жорий этиш.
5. Давлат статистика ҳисботларини он-лайн режимда топшириш имкониятини берувчи маҳсус дастурий таъминотни мунтазам такомиллаштириб бориш.
6. BigData ва сунъий интелект(IR) технологияларидан фойдаланган ҳолда катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш [2].

Ҳозирги кунга келиб, Давлат статистика қўмитасининг барча туман ва шаҳар бўлимлари планшет қурилмалари билан таъминланди. Шунингдек, Жаҳон банки билан ҳамкорликда уй хўжаликлари танланма кузатувларини планшетларда ўтказиш

учун 135 та планшет қурилмалари ажратилди ва кузатувларга жорий этилди. Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, қўмита томонидан бугунги кунда товар ва хизматлар нархларининг танланма кузатувларига планшетларнинг жорий этилиши натижасида 14 мингдан ортиқ савдо нуқталари планшетлар ёрдамида ўрганилмоқда. Бу эса юқори тезликда маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш орқали истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш имкониятини бермоқда.

Бугунги кунда статистика фаолиятини юқори даражада ташкил қилишда статистик кузатувларнинг тутган ўрни нуфузлидир.

Статистика кузатувлари респондентларнинг индивидуал ва бошқа маълумотларини бирламчи йиғиш жараёнлари бўлиб, бу жараёнлар расмий статистикани тайёрловчилар томонидан статистика услубиятларидан фойдаланган ҳолда, статистика мақсадларида амалга оширилади.

Умуман олганда, статистик методологиядан кенг фойдаланган ҳолда фақат статистик мақсадлар учун расмий статистикани ишлаб чиқарувчилар томонидан респондентларнинг индивидуал ва бошқа маълумотларини бирламчи йиғиш жараёнлари статистик кузатувлар ҳисобланади [3].

Статистик кузатувлар ялпи ва танланма бўлиши мумкин, шунингдек статистика дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

Ялпи статистик кузатувлар белгиланган тартибда тасдиқланган давлат статистика ҳисботи шакли асосида, респондентларнинг фаолият тури, таш-килий ҳуқуқий шакли, мулкчилик шакли, маъмурӣ ҳудудий жойлашуви, корхонанинг тури ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда статистика органлари томонидан шакллантирилган респондентлар рўйхатига мувофиқ ўtkaziladi. Одатда, давлат статистика ҳисботлари ойлик, чораклик ва йиллик бўлиши мумкин. Бундан ташқари, улар мавсумий кўринишда ҳам бўлади.

Қўйидаги жадвалда охирги йилларда статистика тизимида ўtkazib келинаётган статистик кузатувларнинг динамикаси келтирилган.

Жадвал

Давлат статистик тизимида олиб борилаётган статистик кузатувлар динамикаси

№	Кузатувлар номи, даవрийлиги ва турлари	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
	Жами	148	150	146	150	154	156
1.	Ойлик	11	11	10	11	10	10
2.	Чораклик	16	16	17	17	17	16
3.	Йиллик	91	94	86	88	88	90
4.	Даврий (мавсумий)	9	7	7	6	7	7
5.	Танланма	21	22	26	28	32	33

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари.

Ундан кўриниб турибдики, статистик кузатувлар сони 2016 йили 148 тани ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб 156 тани ташкил қилмоқда, яъни уларнинг сони жудаям ошиб кетгани йўқ. Бунинг асосий сабаби, айрим статистик кузатувлар амалиётдан чиқарилса, айрим янгилари эса амалиётга жорий қилинади. Лекин, танланма

статистик күзатулар эса 2016 йилда 21 тани ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб 33 тани ташкил қилмоқда, яъни 57 % га ортмоқда.

Танланма статистик күзатувлар расмий статистикани ишлаб чиқарув-чилар томонидан тасдиқланган статистик шакллари асосида, алоҳида иқти-содий фаолият турлари ва уй хўжалиги бўйича тасодифий танлов усули билан шакллантирилган статистик бирликлар рўйхатига мувофиқ ўтказилади.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш шароитида шаклланадиган статистик ахборотлар мазмуни, таркиби ва ҳажмига бўлган талаблар тубдан ўзгарди. Статистик күзатувларнинг ялпи ўтказилишидан танланма күзатувларга босқичма-босқич ўтиб борилиши ва янги фаолият турларининг киритилиши ахборот базасини янада кенгайтирди. Бундан ташқари статистик ахборотлардан фойдаланувчилар сони кундан-кунга ортиб бориб, унда иқтисодий кўрсаткичларга бўлган талаб анча юқори бўлади. Статистик материалларни тақдим қилиш муддатлари ва сифат даражасига қўйилаётган талаблар ҳам ортиб бормоқда. Вилоят статистика бошқармасига тааллуқли бўлган бирламчи статистик ҳисоботлар шаклларидағи ҳажм ҳам жиддий ортиб, уларни қайта ишлаш натижалари эса бошқарув қарорларини қабул қилиш учун туман ва вилоят бошқарув органларига келиб тушади [4].

Статистик күзатувларни ўтказиш асосида иқтисодиёт ва жамиятдаги ўзгаришлар, кечётган жараёнлар тўғрисида доимий тарзда маълумотлар йиғилиб, таҳлил қилиб борилади. Улар бирламчи ҳисоб хужжатлари ва бевосита күзатувлар йўли билан ўтказилиб, барча турдаги давлат статистика ҳисоботлари тўлиқ электрон кўринишда тақдим этилади.

Шунингдек, давлат статистика органлари томонидан танланма асосида 20 га яқин статистик күзатувлар ўтказилади. Президент фармонлари асосида тадбиркорлик субъектларида танланган ҳолда статистик күзатувлар олиб борилиб, маълумотлар шакллантирилиши шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, Давлат статистика қўмитаси томонидан тадбиркорлар учун белгиланган рўйхат бўйича субъектларда ихтиёрий күзатув анкеталари тўлдирилиб, кейинги чоракнинг 2-санасигача маҳаллий статистика бўлимларига электрон шаклда тақдим этилади. Күзатувлар тадбиркорлик субъектининг фаолият турига кўра тўлдириладиган махсус сўровномалар орқали ўтказилади. Масалан, "1-KB kuzatuv" сўровномасини иш ва хизматлар сотишдан тушумга эга бўлган кичик корхона ва микрофирмалар тўлдиради. Унда корхонанинг иқтисодий аҳволи, молиявий ҳолати, ишчилар сони, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ кўрсаткичлар қайд этилади.

Танланма статистик күзатувлар йўналишлар бўйича қисман қамраб олинган ҳолда ўтказилади. Хусусан, дехқон бозорларидағи нархлар, савдо ва майший хизматлар кўрсатувчи жисмоний шахслар, йўловчи ташиш, фермер ва дехқон хўжаликларида фаолият турига кўра ойлик, чораклик ва йиллик тарзида ўтказилади.

Нарх күзатувчиларига қуляйлик яратиш ва нархларни ўрганиш жараёнларида вақт сарфини камайтириш мақсадида ўрганилаётган савдо нуқтаси ҳамда товар номи олдиндан киритилган маълумотлар асосида танлаш усули билан амалга оширилади. Савдо нуқтаси номи, товар номи ва нархи, қадоқ ҳажми, нарх ўрганилган вақт (кун, ой ва йил) маълумотлари асосида маълумотлар базаси шакллантирилади. Барча тўпланган маълумотлар асосида товар ва хизматларнинг нархлари, ўртacha нархлари,

нархларнинг олдинги ва жорий даврдаги ўзгариш ҳолатини туман, вилоят ва республика миқёсида ҳисоблаш имконияти яратилди.

Хулоса

Хулоса сифатида айтиш керакки, статистика фаолиятида рақамлаштириш технологияларини кенг жорий қилиш ва улар асосида шаффоф, тезкор ва объектив бирламчи статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш масалаларида АКТ дан кенг фойдаланиш тадбиркорлар билан ишжараёнини масофавий тарзда ҳисботларни қабул қилиш имконини беради. Бинобарин, статистик кузатувлар шаклларини ва уларни тақдим этиш тартибини мунтазам такомиллаштириб бориш давлат статистика органларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунинг самараси ўлароқ, сўнгги йилларда статистик ҳисботлар тизими сезиларли даражада соддлаштирилиб, уларни тақдим этиш муддатлари мақбуллаштирилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Klein L.R., Goldberger A.S. An econometric model of the United States, 1929—1952, Amsterdam, 1955.-68 р
2. Одилов Ш.Ф. Статистика фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш истиқболлари // «Макроиқтисодий барқарор ўсишини таъминлашда статистик үсуллар ва ахборотлар ролини кучайтириш» мавзусидаги республика онлайн илмий-амалий конференцияси тезислари тўплами. Тошкент – 2020 йил 22 май. 194-199 бетлар.
3. Иванов Ю.Н. Экономическая статистика.–М.:Инфра, 2000. - 236 с.
4. Рябушкин Б.Т. Национальные счета и экономические балансы: Практикум: учебное пособие.–М.: Финансы и статистика, 2002. –256 с.
5. Уй хўжаликлари сектори учун МҲТ ҳисобларини тузиш бўйича кўрсаткичларни ҳисоблаш үсуллари ва маълумотлар манбалари // МДҲ статистика қўмитаси, Москва, 2004.
6. Соатов Н.М. Статистика. Дарслик.–Т.:Абу Али Ибн Сино,2003.– 660 б.
7. Система национальных счетов, 2008г., Европейская комиссия, ООН, МВФ, ОЭСР, ВБ, Нью Йорк, 2012.
8. Фойибназаров Б.К ва бошқалар. Миллий ҳисоблар тизими. Дарслик – Т.:2015. - 240 б.